

ПАХТА ТОЛАСИ БУРАМДОРЛИГИНИНГ ТУРЛИ СЕЛЕКЦИЯ НАВЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШИ

Ж.Р.Мухтаров т.ф.ф.д. доцент

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
талаба, **Тохирова Х, Эргашева Ф, Фархиддинова Х, Холназарова Ф.**

Аннотация: ушбу мақолада турли селекция навли пахта толаларининг бурамбоплиги “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедрасида мавжуд “Биоблуэ” электрон микроскопи ёрдамида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: электрон микроскоп, тола, йигириш, сифат

Ключевые слова: электронный микроскоп, волокно, прядение, качество

Keywords: electron microscope, fiber, spinning, quality

Толаларнинг бурамдорлик кўрсаткичи йигириш жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир. Толанинг пишганлик даражаси 3,0-3,5 бўлганда толаларда энг кўп бурамдорлик бўлади.

Пахта толаси пишиб этилган сари, целлюлоза миқдори ортиши билан ундаги бурамдорлик кўрсаткичлари камайиб боради. Пахта толасининг юза қатламидаги фибриллар ва макро, микрофибриллар тола ўқиға нисбатан параллеллашиб борган сари бурамдорлик йўқолиб боради.

Толанинг бурамдорлиги-толаларнинг бўйлама ўқининг тўлқинсимон тузилиши бўлиб, 1 см масофадаги бурамлар сони билан белгиланади.

Тўқимачилик толаларининг бурамдорлиги фазовий ва текис, синусоидал характерга эга бўлиши мумкин. Жун толалари табиий бурамдорликка эга. Синтетик толаларга, текстурланган ипларга бурамдорлик уларнинг илашимлилигини, чўзилувчанлигини ва ҳажмдорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнида махсус ишлов бериш билан ҳосил қилинади. Толаларнинг бурамдорлиги ипларнинг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. У йигириш тизимини танлаш, толаларни қайта ишлаш сифатли ип ва газламалар олиш жараёнида эътиборга олинади.

Бурамдорликнинг жадаллиги бирлик узунлигига тўғри келувчи бурамлар сони ва баландлигига боғлиқ бўлади.

Толаларнинг асосий бурамдорлик кўрсаткичлари сифатида бурамлар частотаси, бурамдорлик даражаси ва бурамдорликнинг турғунлиги бўлиб, стандарт бўйича белгиланади.

Ип йигириш корхоналарида иплар ишлаб чиқариш жараёнида толаларнинг бурамдорлик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, пахта толасининг бурамдорлиги камайса, унда олинадиган ипларнинг илашувчанлиги камаяди, натижада ипларнинг нотекислик даражасининг ортиб кетишга сабаб бўлади. Аксинча, толанинг бурамдорлиги ортса, унда ипларнинг чизиқий зичлиги ва буралишлар сони бўйича квадратик нотекислиги камайиб, ундан силлиқ ва майин матолар ишлаб чиқариш мумкин бўлади.


Пахта тозалаш корхоналарида турли селекция навли пахтадан олинган толаларнинг пишганлик даражасига қараб, уларнинг бурамдорлигини аниқлаш борасида “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедрасида мавжуд “Bioblue” электрон микроскопи ёрдамида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Илмий-тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пахта толаси бурамдорлигининг турли селекция навлари бўйича ўзгариши

т/р	Селекция навлари	Толанинг пишганлик даражаси		
		0-1,0	1,5-2,5	3,0-4,0
1.	Кўпайсин	28	45	68
2.	Султон	32	50	65
3.	Гулистон	30	48	70
4.	Марварид	27	47	61

Жадвалдаги натижалар асосида 1-расмда пахта толасининг пишганлик даражаси бўйича бурамдорлигининг турли селекция навлари бўйича ўзгариш гистограммалари келтирилди.



1-расм. Пахта толаси бурамдорлигининг турли селекция навлари бўйича ўзгариши.

▨ - толанинг пишганлик даражаси 0-1,0; ▣ - толанинг пишганлик даражаси 1,5-2,5; ▤ - толанинг пишганлик даражаси 3,0-4,0.

Пахта толаси бурамдорлик кўрсаткичларининг турли селекция навлари бўйича ўзгаришини таҳлил этадиган бўлсак, Кўпайсин селекция навли пахтанинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, Султон селекция навли толанинг пишганлик даражаси 0-1,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 12,5% га, толанинг пишганлик даражаси 1,5-2,5 бўлганда толанинг бурамдорлиги 10,0% га ошди, толанинг пишганлик даражаси 3,0-4,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 4,4% га камайди, Гулистон селекция навли толанинг пишганлик даражаси 0-1,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 6,7% га камайди, толанинг пишганлик даражаси 1,5-2,5 бўлганда толанинг бурамдорлиги 6,3% га, толанинг пишганлик даражаси 3,0-4,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 2,9% га ошди, Марварид селекция навли толанинг пишганлик даражаси 0-1,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 3,4% га камайди, толанинг пишганлик даражаси 1,5-2,5 бўлганда толанинг бурамдорлиги 3,4% га ошди, толанинг пишганлик даражаси 3,0-4,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 10,3% га камайди.

Тадқиқот натижаларидан кўришиб турибдики, Султон селекция навли толанинг пишганлик даражаси 0-1,0 ва 1,5-2,5 бўлганда толанинг бурамдорлиги 10,0% дан 12,5% гача ошганлиги, толанинг пишганлик даражаси 3,0-4,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 4,4% гача камайганлиги,

Гулистон селекция навли толанинг пишганлик даражаси 0-1,0 толанинг бурамдорлиги 6,7% га камайганлиги, толанинг пишганлик даражаси 1,5-2,5 ва 3,0-4,0 бўлганда толанинг бурамдорлиги 2,9% дан 6,3% гача ошганлиги аниқланди.

Хулоса. Синов натижаларидан, толада бурамдорлик кўрсаткичлари Гулистон ва Кўпайсин селекция навларида юқори эканлиги кўринди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шустов Ю.С. и др. Текстильное материаловедение лабораторный практикум. Учебное пособие., Москва, ИНФРА-М, 2016 г.
2. Akhmedov Akmal Akmedovich, Valieva Zulfiya Fakhritdinovna, Makhkamova Shoirra Fakhritdinovna, Patxullayev Sarvarjon Ubaydulla o'g'li, Mukhtarov Jurabek // Influence of sample mass on accuracy of wool fiber tone measurement on an acoustic device, Eur. Chem. Bull. 2022,11(3), 34-38
3. Jo'rabek Reyimberganovich Muhtarov, Mirpolat Qulmetov, Qadam Jumaniyazov, Muxammadjon Baxramovich Djumaniyazov, Shorasul Shogofurov Effect of change of humidity of cotton fiber on mechanical, Scientific and Technical Journal Namangan Institute of Engineering and Technology, 2022
4. Kulmetov Murpolat, Mukhtarov Jurabek Reyimberganovich, // Influence position of fibers on the quality of production In the processes of yarn production // European Science Review №1-2 (279). -P. 240-244. (05.00.00; №3), 2018
5. Бахтияр Аралбаевич Палуанов, Абдумалик Пирматович Пирматов, Журабек Рейибеганович Мухтаров, Батир Тохтарбай ўғли Қожаметов, // Investigation of mechanical damage of cotton fiber in the process of pressing and balig //Universum технические науки, 2022. 96-б.
6. Tulqin Ashurovich Ochilov, Salih Shukurovich Toshpulatov, Nuriddin Gadoev, Jurabek Reyimberganovich Mukhtarov, Elmira Talgatovna Laysheva, // Effect of storage and drying on cotton fiber supramolecular structures. European Science Review // European Science Review, 2019. 2019. 1-2. Volume 1. 115p.
7. Jurabek Reyimberganovich Mukhtarov, Mukhiddin Rakhmonovich Atanasov, Zulfiya Fakhritdinovna Valieva, Mukhammadjon Bakhramovich Djumaniyazov, Elmira Talatovna Laysheva, // The effect of the amount of waste of yarn on the physical and mechanical indicators // European Chemical Bulletin, ECB. 2022; 11(6): 1, 15-19p.
8. Ж.Р.Мухтаров, З.Ф.Валиева, Д.С.Панжиева, М.Б.Джуманиязов // Толали чиқиндилли аралашманинг мақбул таркибини аниқлаш, // Science and innovation in the education system, 52-56p, 2023 J.R.Mukhtarov, Q.Djumaniyazov, M.B.Djumaniyazov, // Qualit of Cotton Waste and Their Efficient Use, - International Journal of Innovative Research in Science, Vol. 11, Issue 1, 1195p, 2022.